O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 11-oktabr • Seshanba • 126 (27.461) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Вакиллар палатасига сайловда Япония Либерал-демократик партияси ғалаба қозониши ҳамда менинг Япония Бош вазири лавозимига қайта сайланишим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари йўллаган самимий табрикни беҳад миннатдорлик билан қабул қилганимни маълум қилиш шарафидан бахтиёрман.

Ўзбекистон билан Японияниг икки томонлама дўстона алоқалари янада мустаҳкамланиб бораверишини чин дилдан истайман.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолигига қабул қилиниши масаласида қатъият билан қўллаб-қувватлаб келаётгани учун улкан миннатдорлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

Жунъитиро КОИДЗУМИ,
Япония Бош вазири

ПАРТИЯ ТАШКИЛ ТОПГАН КУНГА ТАЙЁРГАРЛИК

2005 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганига 14 йил тўлади. Шу муносабат билан партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати «Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг 14 йиллиги тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотларига Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари мазкур санани нишонлаш доирасида партия аъзолари ва аҳоли ўртасида турли оммавий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказсинлар, дейилади ҳужжатда. Бунда партия фаоллари билан учрашувлар ўтказиш, ЎзХДП дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этишда намуна кўрсатаётган партиядошларни рағбатлантириш, қатор йиллар давомида партиямиз тизимида меҳнат қилиб пенсияга чиққанлар, ёлғиз ва бемор сафдошларимизнинг ҳолидан хабар олиш, имкониятга қараб уларга моддий ёрдам кўрсатиш лозимлиги уқтирилди. Шунингдек, маҳаллий матбуот, телевидение ва радиода махсус чиқишларни ташкил этиш тавсия қилинди.

Бошланғич партия ташкилотлари даражасида эса меҳнат жамоалари ва истиқомат жойларида маъруза ва суҳбатлар, таниқли партия аъзолари, ЎзХДПдан сайланган депутатлар билан партиядошлар ва аҳоли вакилларининг учрашувларини ўтказиш, ёшларни тантанали равишда ЎзХДП сафига қабул қилишни ташкил этиш, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг 14 йиллигига бағишланган барча тадбирлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй берган тарихий ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнида янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг бориши, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши олиб бораётган кураши, партиямиз томонидан ушбу стратегик сиёсатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши тўғрисида ишончли тарзда сўзлаб берилиши керак.

Ҳужжатда жойларда ўтказиладиган тадбирлар, маъруза ва суҳбатлар, матбуотда чоп этиладиган мақолаларда мустақиллик туфайли майдонга чиққан Ўзбекистон ХДПнинг ўтган йиллар ичида катта ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, мамлакатдаги йирик ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан бирига айланганлигини, жамиятда муносиб ўрин эгаллаб турганини кўрсатмоқ зарур.

Шунингдек, тарғибий-ташвиқий тадбирлар давомида партиямиз электоратига Ўзбекистон ХДП сўл позициясининг мазмун-моҳияти, унинг Дастурида илгари сурилган ижтимоий вазифаларнинг кимлар манфаатига жавоб беришини тушунтириш талаб этилади.

Шу билан бир қаторда, дейилади қарорда, аҳоли турли қатламлари, айниқса, ёшлар орасида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилиш, уларга туб ўзгаришларни амалга ошириш учун юртимизда тинчлик ва барқарорлик бўлиши шартлигини тушунтириш, одамларни огоҳликка даъват этиш, Юртбошимизнинг ижтимоий масалаларга доир фармон ва қарорларининг бажарилиши ҳақида ахборот бериш лозим.

Мазкур қарорда шунингдек, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририятига ушбу нашрлар саҳифаларида партиянинг янгиланган мафкураси, ижтимоий йўналтирилган сиёсати ва янги Дастурининг асосий қоидалари тўғрисида мақолалар, ЎзХДП аъзоларининг мактублари (хатлар, акс-садолар, мусоҳабалар)ни чоп этиш, нишонланадиган сана арафасида махсус саҳифалар чиқариш, партия ташкилотлари ўтказадиган оммавий-сиёсий ва маданий тадбирлар тўғрисида ахборотлар бериб боришни ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчилари ва меҳмонларини чин дилдан кутлайман. Бугун очилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотлар самараси бўлиб, мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги энг етакчи иштирокчилардан бири сифатида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Пахта тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш кейинги йилларда экспорт қилинаётган пахта толаси сифатини анча оширишимизга имкон берди. Пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ сертификация қилишнинг янги тизими жорий этилди. Барча хизмат турларига эга бўлган ҳамда маҳсулотни сифатли сақлаш ва ортиб жўнатишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар тармоғи тарзидаги пахта сотишнинг замонавий инфратузилмаси яратилди. Шуни қайд этиш муҳимки, биз катта ресурсларга эга бўлган ҳолда, пахтани чуқур қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш билан бир қаторда чет элларда пахта толасини сотишнинг самарали шакл ва усулларини такомиллаштиришга, маҳсулот экспорт қилиш географиясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кейинги йилларда Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва бошқа муттасил ривожланиб бораётган давлатлари тўқимачилик корхоналарининг юқори сифатли ўзбек пахта толасига бўлган эҳтиёжи тўхтовсиз ошиб бораётганлиги ва экспорт ҳажмлари барқарор ўсаётганлиги эътиборга моликдир. Биз пахта экспорти соҳасида шерикларимиз билан нафақат жорий йил, балки кейинги йиллар ҳосили учун ҳам контрактлар тузишга асосланган ҳамкорликнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга интилишимиз ва бунга тайёрлигимизни таъкидлаб ўтиш лозим. Жаҳондаги барча етакчи пахта трейдерлари Тошкентда ўтказилаётган Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этиш ҳақидаги таклифни қабул қилганликлари диққатга сазовордир. Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига омад ва ишларига самара тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПАХТА САВДОСИ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

10 октябрда Тошкентда очилган Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасида 26 мамлакатдан келган 200 дан ортиқ компания ва фирма вакиллари иштирок этмоқда. Ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ва ушбу соҳада энг нуфузли нашрлардан бири «Cotton Outlook» журнали билан биргаликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига табригини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон пахта толасини етиштириш бўйича йирик давлатлардан бири ҳисобланади ва юқори сифати туфайли бу пахта жаҳон бозорида харидоргирлиги билан ажралиб туради, деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ярмаркани очар экан. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиёт, жумладан қишлоқ хўжалиги тармоғида туб бозор ислоҳотлари амалга оширила бошланди. Президент Ислом Каримов иқтисодиётимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлган пахтачиликдаги изчил таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу республикамизда етиштирилаётган пахта толасининг сифатини ва демакки давлатимиз экспорт салоҳиятини анча ошириш имконини берди. Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ушбу салоҳиятни янада ривожлантириш, кўплаб давлатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали пахтамиз етказиб бериладиган мамлакатлар сонини кўпайтириш,

2-бет

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилаётган қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

«Электрон тўловлар тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида», «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланган эди. Энди улар иккинчи ўқишга киритилмоқда ва палата томонидан моддама-модда кўриб чиқилади. Шундан келиб чиқиб, депутатлар ушбу қонун лойиҳалари юзасидан фракция нуқтаи назарини белгилаб олдилар.

«Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда палата муҳокамасига киритилмоқда. Фракция йиғилишида ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шарбат Абдуллаева ахборот берди. Депутатлар лойиҳа юзасидан кўплаб фикрлар билдирдилар.

Йиғилишда фракция вакилларига тегишли бошқа қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, ЛЕКИН СИНМАЙДИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг асосий кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ўз қадрини, ҳақ-ҳуқуқини биладиган, ор-номуси баланд халқимиз чет эллардан «ақл ўргатиш», «адолат ўрнатиш» учун келадиган «ҳимоячи»ларнинг хизматига муҳтож эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан пухта, холис, очиқ, ошкора, адолат ва ҳақиқат устуворлиги тамойилларига таянган ҳолда ўтаётгани юқоридаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидан аён бўлмоқдаки, бир гуруҳ ақидапарастлар Андижонда террорчилик ҳаракатларини содир этар экан, биринчи навбатда, халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдариб, халифалик тузишни мўлжаллаган. Андижонда рўй берган фожиали воқеалар фаол иштирокчиларининг иқрорлари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг шу кунгача берган кўрсатмалари аввалбошда ўзларини «зиёли тадбиркор» қилиб кўрсатган кимсаларнинг ҳақиқий қиёфасини фош этди.

Ваҳоланки, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи баъзи хорижий ташкилотлар ва демократия масаласида «анча илгарилаб кетган» айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари апрелнинг охири ва май ойининг бошларида «Андижонда «Акромийлар» эмас, 23 нафар оддий тадбиркорнинг суди бўлаётир» қабилида уйдирмалар тарқатган эди. Андижон воқеаларида фаол иштирокчи бўлгани учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган ва суд жараёнида гувоҳ сифатида кўрсатма берган Ҳасан Шокировнинг айтишича, у 1995 йили акаси Шариф Шокировнинг даъватига кўра «Акромийлар» оқимига киради. Унинг акалари Шариф ва Шавкат ушбу оқим раҳнамоси Акром Йўлдошевнинг яқинларидан бўлган. Улар аъзоси ҳисобланган «ижодий ҳалқа» иштирокчилари 9 май куни Толиб Қобиловнинг уйига йиғилади.

«Шариф акам мени компьютерим билан бирга олиб борди, — дейди Ҳ.Шокиров. — У ерда мен суд, пост-патруль хизмати батальони ва ҳарбий қисмларнинг М.Собиров томонидан қўлда чизилган ички жойлашув чизмаларини компьютерда тайёрлаб бердим. 12 май куни отам бизнинг уйимизда бўлган жалақудуқлик Н.Дадахўжаев бошчилигидаги ўн нафар «акромийлар»га пост-патруль батальонига ҳужум режасини тушунтираётганини эшитдим».

13 май куни эрта тонгда етти нафар қариндош аёлларни вилоят ҳокимлиги олдидаги майдонга олиб борган Ҳ.Шокировга акаси Шариф бир варақ қоғозни узатиб, Интернет орқали «Фергана.-РУ» сайтига жўнатиш зарурлигини айтади. «Унда тинч аҳоли намойиш қилаётганда ҳукумат аскарлари ўққа тутгани айтилган бўҳтон гаплар ёзилган эди, — дейди Ҳ.Шокиров. — Тушдан сўнг етти қаватли бинонинг кираверишжойида Шариф акам хорижий журналистлар — Бухарбаева Галима ва Багилага интервью берди».

Ҳ.Шокиров бир неча юз киши билан Қирғизистонга қочиб ўтганидан сўнг, ўзининг ибораси билан айтганда, «олдиндан тайёрлаб қўйилган палаткалар»да яшайди. «Бу ерга Би-Би-Си, «Озодлик», «Вашингтон пост», «Нью-Йорк таймс»дан мухбирлар келди, — дейди у. — Шахсан ўзим «Вашингтон пост», «Нью-Йорк таймс» мухбирларига интервью бердим. Тан оламан, бўлмаган гапларни бўлди, деб ёлғон гаплар айтиб, туҳмат қилдим».

Бундан бир неча кун олдин судланувчи Муҳаммадшокир Ортиқов ўз кўрсатмасида Андижон шаҳрида «Акромийлар» устидан суд жараёни давом этаётган пайтда улардан йигирма икки нафари эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олингани, бир киши эса очиқда қолдирилгани хусусида аниқлик киритди. Судда қамоққа олинганлар панжара ортида, Равшан Азимжонов эса очиқда, улар билан ёнма-ён ўтирган.

«Ташқарида бўлаётган барча гап-сўзларни у бизга айтиб турарди, — дейди М.Ортиқов. — Уша пайтда унинг гапи бўйича биз дастлабки кўрсатмаларимиздан тондик. Кейинчалик билсак, шундай қилишни хорижлик журналистлар ўргатган экан».

3-бет

ПАРЛАМЕНТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Кеча Тошкент шаҳрида «Икки палатали парламент фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши: халқаро тажриба ва ҳамкорлик амалиёти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, ОАВ, дипломатик корпус, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий мутахассислар ҳамда халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Ўтган йил охирида бўлган сайловлар натижасида юртимизда икки палатали парламент шаклланди. Унинг қуйи палатаси мутлақо янгича асосда фаолият юритаяпти. Ҳақиқий парламент мухолифати вужудга келмоқда. Қонунчилик жараёни такомиллашди. Бироқ, уларнинг барчаси оммавий ахборот воситаларида тўлиқ акс этмаяпти. Хўш бунга нималар тўсиқ бўлмоқда? Қандай муаммолар мавжуд?

Сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедов, «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси раҳбари А.Мантелис (Греция) парламент ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг долзарб масалаларини атрофлича таҳлил қилди.

Халқаро эксперт, Греция телерадиоэшиттиришлар кенгаши вице-президенти Д.Харалампис, «Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш институти» журналистлар ассоциацияси раиси М.Мақсудова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р.Охунов, Конрад Аденауэр жамғармасининг (Германия) Марказий Осиё, Қозоғистон ва Жанубий Кавказ мамлакатлари бўйича минтақавий вакили Х.Кайзер, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари М.Ҳожимуҳамедовнинг маърузалари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши борасидаги хорижий тажрибанинг ибратли жиҳатлари очиб берилди.

Конференция иштирокчилари уч кичик гуруҳга бўлиниб, мавзу юзасидан баҳс-мунозара юритдилар. Кўпгина муаммолар ўртага ташланди ва уларнинг ечими бўйича фикрлар билдирилди. Таҳлил этилган мавзу бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон ХДПнинг V қурултойида бугуннинг ўта долзарб муаммолар билан бирга партия бошланғич ташкилотлари фаолиятини жонлантириш масаласи ҳам кўтарилган эди.

Сиёсий партия ўз электоратига, яъни — аҳолининг муайян қатламларига суянади. Уларни эса бошланғич партия ташкилотлари бирлаштиради. Хўш, бугун жамиятимизда, ўз аъзолари ҳаёти ва фаолиятида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотларининг ўрни, вазифалари қандай бўлиши керак? Улар ўз ишларини партиянинг V қурултойи ҳужжатларидан келиб чиқиб, қандай ташкил этишлари лозим? «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу масалаларга бағишланди. Партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этган ушбу давра суҳбатини газета Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фарруҳ ҲАМРОЕВ олиб борди. Давра суҳбатида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ КУЧИ

УНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛЛИГИДАДИР

Фарруҳ ҲАМРОЕВ:

— Сиёсий партия жуда мукаммал, жозибадор дастур ишлаб чиқиши, унинг юқори ва марказий органлари жон қуйдириб, аҳоли фаровонлиги учун астойдил курашиши мумкин. Лекин фуқаролар бу ғояларни тушуниб етмаса, уни қўллаб-қувватламайди. Натижада сиёсий партия кўзланган дастурий мақсадларига эриша олмайди. Шундай бўлмаслиги учун, партия бевосита аҳоли орасида бўлиб, ҳар бир аъзосининг фикрини ўрганишни изчил йўлга қўйиши керак. Сиёсий партиянинг мана шу ишларни бевосита амалга оширадиган бўғини бошланғич ташкилотларидир. Лекин сир эмас, бу борада камчилик ва муаммолар оз эмас. Шулар ҳақида ўзаро фикрлашиб олсак, фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Аҳмаджон МИРЗААБДУЛЛАЕВ, Янгийўл туманидаги С.Султонов номли маҳалла бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Тўғри таъкидладингиз. Партиямиз ўзининг 2004 йилги Сайловолди Платформасида ижтимоий йўналишдаги кўплаб муаммоларни кўтариб чиққан эди. Биз бу муаммолар моҳиятини аҳолига етказишга, тушунтиришга ҳаракат қилдик ва у кўпчиликка маъқул бўлди. Зеро, бу масалалар V қурултой кун тартибидан ҳам, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз иш режасидан ҳам ўрин олди.

Бизнинг яна бир муҳим йўналишимиз борки, у бевосита халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги билан боғлиқ. Парламентимиз томонидан жуда кўплаб халқчил қонунлар яратилмоқда. Ушбу янги қонунлар аҳамиятига бағишланган давра суҳбатлари, мутахассислар билан учрашувларни изчил йўлга қўйишимиз керак.

Нодира ХАЛИЛОВА, Чирчиқ шаҳридаги «Тинчлик» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Партиямиз янги Дастурининг мақсад ва ғоялари жуда халқчил. Биз энди ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларга уларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётганимизни етказишимиз керак. Улар бошланғич партия ташкилотларига учраб, мавжуд муаммоларини бемалол айтишлари мумкин. Лекин ҳозирча БПТ халқ билан етарли даражада ишламаяпти. Ташвиқот-тарғибот ишлари жуда кам олиб борилаяпти. Энди ўйлайманки, ишга муносабат ўзгаради, аҳолининг партиямизга бўлган қизиқиши янада ортади.

Салоҳиддин АШУРОВ, Бўстонлиқ туманидаги Хумсон фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Жамиятдаги барча муаммолар энг аввало оилада пайдо бўлади. У ердаги кичкинагина битта масала эртага бутун жамиятни ўйга толдириши мумкин. Биз халқчил ғояларимиз билан ҳар бир оилага кириб боришига интилишимиз лозим.

Ҳар биримиз жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосимиз. Биз бугун ҳаммани тадбиркорликка мажбурлай олмаймиз. Чунки барчада бундай қобилият бўлмаслиги мумкин. Тадбиркор бўлиш учун ҳам билим, малака, кўникма, иштиёқ керак. Демак, орасига биз ўз ғояларимиз — одамлар кўнглидаги гаплар билан кириб боришимиз лозим. Бугун ҳаммани ҳам тадбиркор қилиб бўлмайди. Ўқитувчилар, шифокорлар, нафақахўрлар, ёшлар, ногиронлар ва кам таъминланган қатламлар борки, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши эса бутун жамиятнинг ундаги сиёсий кучларнинг бош масаласидир.

Хўш, олий мақсадни амалга оширишга нималар халақит беряпти? Бу кўпроқ бошланғич партия ташкилотларига аён. Чунки, биз бевосита халқ билан, одамларнинг ҳар бири билан ишлаймиз, уларга яқинроқмиз.

Жуда яхши қонунлар қабул қилиняпти. Лекин қурултойда ҳам таъкидланди, у қонунлар қандайдир қонуности ҳужжатлари билан қайсидир маънода кучсизланиб қолаяпти. Масалан, маҳаллаларда кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ажратилади. Фуқаролар йиғинларидаги махсус комиссия маҳаллада ким қандай яшаётганлигини, ким нафақага муҳтожлигини билади. Аммо ҳаммасига ҳам ёрдам беролмаслиги мумкин. Чунки бундай нафақалар учун лимит белгиланган. Натижада ҳақиқатдан ҳам қийналган фуқаро ёрдам ололмай қолади. Шунинг учун БПТнинг яна бир муҳим вазифаси шуки, биз қонунчиликка таклифларимизни доимий равишда бериб туришимиз керак. Бунинг учун БПТ билан партиянинг юқори органлари ўртасидаги ҳамкорлик номигагина эмас, айни замон талабларига мос бўлиши лозим.

Бугун одамларнинг экологияга муносабати қанақа? Биз ҳали ҳам табиатга ҳурмат билан қарашни ўргана олмадик. Бу масалаларда ҳам тегишли қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш керак, янги нормалар ишлаб чиқиш лозим.

Н.ХАЛИЛОВА:

— Тўғри айтдингиз. Дарҳақиқат, экология масаласи жуда долзарб. Чунки экологиянинг бузилиши биринчи навбатда хотин-қизлар соғлигига катта таъсир кўрсатади. Аёл бу — она, соғлом авлод демакдир. Бугунги кунда жуда кўп болалар ва оналар камқонлик касаллиги билан хасталанган. Бунинг асосий сабаби экологик муҳит билан боғлиқ.

Жойлардаги экологик муаммолар тўғрисида бошланғич ташкилотлар бонг уриши керак.

Яна бир муаммо бор. Айрим озодликдан маҳрум бўлган кишилар жазони ўтаб қайтганидан сўнг ўзига муносиб иш топа олмайди. Бундайлар ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида сезиши учун меҳнат биржалари уларни иш билан таъминлаши лозим. Мазкур тоифадаги одамлар орасида ҳам етук мутахассислар бўлиши мумкин-ку. Аҳоли истиқомат қиладиган жойлардаги БПТ ана шу масалаларга ҳам алоҳида эътибор бериши керак, деб ўйлайман.

Шоиста АҲМЕДОВА, Тошкент шаҳридаги 101-кар болалар мактаб-интернати директори, ЎзХДП фаоли:

БПТ қанақа ижтимоий тузсаги муаммоларни кўтариб, масалаларни олиб чиқса, партия шу асосда ишлайди ва ўз фракцияси, депутатлик гуруҳлари орқали унинг ечимини қонунчиликда акс эттиришга ҳаракат қилади. Шундагина сиёсий партиянинг фаолияти халқчил бўлади.

Мен ногирон болалар билан ишлайман, уларнинг ота-оналари билан мулоқотда бўламан. Муаммоларини ечишга қўлимдан келганча ёрдамлашаман. Ногиронларнинг муаммолари тўлиғича қонунчиликда акс этиши учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Чунки биз берган ёрдамнинг ижтимоий самараси катта бўлмайди.

Ғанижон ИСЛОМОВ, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Бугун бошланғич партия ташкилотларига муносабатни тубдан ўзгартирадиган вақт келди. Маълумки, бошланғич партия ташкилоти кичик бир ҳудуддаги маҳалла, қишлоқ ёки корхона, ташкилотни қамраб олади. Демак, унинг кўтариб чиқадиган масалалари ҳам шу ҳудудга тегишлидир. Мисол учун бизнинг ташкилотимиз иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси ва шунга ўхшаш муаммоларни кўпроқ кўтаради. Қолганларнинг ҳам жойлашган ҳудуди ва бошқа хусусиятларига қараб ўз мавзулари бўлади. Улар бу муаммоларни бошқалардан кўра яхшироқ билишади. Шундай экан, каттами-кичикми, оғирми-енгилми, масалани жойида ҳал этиб, одамларнинг ишончини қозонишимиз керак. Партиямиз V қурултойида кўп масалалар кўтариб чиқилди. Булар билан бевосита БПТ шуғулланиши керак. Партиянинг матбуот органлари БПТ фаолиятини кенг ёритиб борса, фойдали бўларди.

Аҳаджон БОБОХОНОВ, Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши раиси ўринбосари:

— Кўпгина учрашувларда одамлар савол беришади: «Хўш, мана сизлар ишсизликнинг олдини олиш ҳақида гапиряпсизлар. Уни қандай қилиб тугатмоқчисизлар?» Либерал партиянинг вакиллари тадбиркорликни ривожлантириб янги иш ўринлари очамиз, деб даъво қилишяпти. Биз ички ва ташқи меҳнат миграциясини ташкил этиш, халқ ҳунармандчилигини кенг рағбатлантириш, одамларни касбга ўргатиш, ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш ва бошқа йўллар билан ишсизликка қарши курашамиз. Бу гаплар кўпчиликка маъқул тушди. Бу ғояларни энди барча БПТ ўз аъзолари, партиянинг хайрихоҳлари ва кенг жамоатчиликка чуқур тушунтириши керак.

Карима ОЧИЛОВА, Миробод туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Қурултойдан сўнг, биз 60 нафар партия аъзосидан иборат бошланғич ташкилотимизда кўтарилган масалаларни муҳокама қилдик. Ногиронларни қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлаш масаласи кўпчиликни қизиқтирди. Шунингдек, уларнинг меҳнатлари алоҳида рағбатлантирилиши лозим, деган мулоҳазалар билдирилди.

Партиямиз ўзини сўл сиёсий партия, деб эълон қилганидан сўнг бизга жуда кўплаб аҳоли мурожаат қила бошлади. Бизнинг ғояларимиз билан қизиқишди ва қизиқишяпти. Демак, бу уларга маъқул бўлган сиёсий йўналишдир. Айниқса, кексаликни муносиб ўтказиш учун керакли шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги ҳақидаги фикрлар айни уларнинг кўнглидаги гаплар эканлигини айтишмоқда. Уларнинг кўнглига кириб борибмизми, бу бизнинг ютуғимиз. Энди, бошланғич партия ташкилотлари янада фаол ишлаб, V қурултой материалларини кенг тарғиб қилиши лозим. Шундагина бизнинг қилаётган ишларимиз жамиятда ўз акс-садосини беради.

С.АШУРОВ:

— Тўғри айтдингиз, Карима опа, бошланғич партия ташкилотларининг партия мавқеини ошириш борасида алоҳида ўрни бор. БПТ қанча мустаҳкам, фаол бўлса, демак партиянинг ҳам нуфузи шунга қараб белгиланади. Ҳозир олдимизда шундай вазифалар турибдики, БПТнинг фаолиятини талаб даражасига етказиш керак. Бунинг учун у турли ахборот, тарғибот материаллари, аҳолини қизиқтирадиган маълумотномалар, адабиётлар, қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиши, имкониятга қараб унинг қошида турли клублар, тўгараклар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Баъзан одамлардан «партияга қандай аъзо бўлиш мумкин?» деган саволни эшитиб қоласан киши. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўша одам яшайдиган, ишлайдиган жойда БПТ йўқ ёки бўлса ҳам унинг борлигини ҳеч ким билмайди. Энди бунақа ҳолатларнинг олдини олиш учун БПТ негизида турли учрашувлар, одамларни жалб этадиган ҳар хил кечаларни тез-тез уюштириб туришимиз керак.

Н.ХАЛИЛОВА:

— Фикрингизга қўшимча қилмоқчи эдим. БПТ партиямиздан сайланган турли даражадаги депутатлар билан аҳолининг учрашувини ўтказиб турса қонунчилигимиз янада мукаммаллашган бўлар эди. Ўша учрашувларга ижро ҳокимияти органлари раҳбарларини ҳам таклиф этиш лозим. Зеро, мутасаддилар одамларнинг дардини, ташвишини уларнинг ўзларидан эшитсин. Ахир бутун фаолияти давомида оддий халқ билан бирор марта ҳам учрашмаган, фикр-мулоҳазаларини тингламаган раҳбарлар ҳам йўқ эмас?

Ф.ҲАМРОЕВ:

— Долзарб масалаларни кўтаряпсизлар. Мана партиямиз ўзини сўл сиёсий куч, деб эълон қилди. Сайловолди Платформасида ҳам жуда катта масалаларни кўтарди. Энди одамлар сўрайди: «Хўш, партиянгиз янги иш ўринлари очадими, нима яратасизлар?» Очиғи, айрим БПТ раисларининг ўзлари бу масалаларни ечиш, ҳал этишнинг механизмини тўғри тушунмайди.

Биз туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаганмиз-ку! Уларнинг олдига муаммоларни кўндаланг қўйиш керак. Бу ерда тўғри таъкидланганидек, туман миқёсидаги масала туман, шаҳарники шаҳар, вилоятники вилоят Кенгашларининг сессияларида кўтарилиши, ҳал этилиши керак. Мана газетамизда Фарғона вилоятидаги мухбиримиз Алишер Ибодиновнинг «Ҳа, биз сўллармиз» деган мақоласи эълон қилинди. Унда айтилишича, бир туман миқёсидаги муаммоларни ўша туман Кенгаши сессияси кун тартибига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлик гуруҳи олиб чиққан. Ҳокимнинг, масъул идораларнинг олдига масалани кўндаланг қўйган. Натижада муаммо ҳал бўлган.

Биз кўпинча талаб қилолмаймиз, мақсадларимизни одамларга яхшилаб тушунтириб беролмаймиз. Оқибатда одамлар «нима қиламан партияга кириб, фақат бадал тўлайманми?» деган фикрга келиб қолаяпти. Агар БПТ раиси кучли бўлса, партия дастурини қатъий туриб ҳимоя қила олса, бундай фикрларга ҳожат қолмайди.

Ш.АҲМЕДОВА:

— Тўғри таъкидладингиз, биз энди ўз йўлимизда қаттиқ туриб, уни ҳимоя қилишимиз керак. Юқорида айтилганидек, аввало, партия ғоясини кенг тарғиб қилишимиз зарур. Асосий вазифа эса дастуримизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш. Оддий одамлар, электоратимизни ташкил этувчи фуқаролар билсинларки, уларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий куч мавжуд. ЎзХДП муҳолифатдаги сўл сиёсий партия сифатида қатъий ҳаракат қилиши лозим.

Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.

ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПАХТА САВДОСИ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

шунингдек, ўзбек пахтасининг жаҳон бозорида нуфузи ва рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон дунёда пахта етиштириладиган энг шимолий ҳудуд ҳисобланишига қарамай, кейинги уч йил давомида ўзбек толаси жаҳон бозорида энг сифатлилиги ҳамда харидоргирлиги билан шуҳрат қозонмоқда. Бозор ислоҳотлари шароитида пахта етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув ҳам ўзгарди. Фермер хўжаликларининг ривожланиши қишлоқ меҳнаткашлари манфаатдорлигини ҳам оширмоқда. 2007 йилга келиб фермер хўжаликлари улуши пахтачиликда 85 фоизга етиши керак. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган пахта тозалаш заводлари қайта жиҳозланмоқда ва энг илғор технологиялар асосида янгилари барпо этилмоқда. 2005 йил мавсуми олдидан 17 та пахта заводи модернизация қилинди. 2006-2010 йилларда яна 40 та корхонани реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу эса тола чиқишини ошириш ва сифатини яхшилаш имконини беради. Чет эллик харидорларга пахта етказиб бериш, шу жумладан «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг ҳудудий бирлашмаларидан тола сотиб олиш, сертификатлаш, сақлаш, суғурталаш ва экспорт ҳажмларини транспортда ташиш тизими такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун жойларда пахта терминаллари ташкил қилинди, жаҳон амалиётида қабул қилинган ҳисоб-китоб шакл ва тизимлари жорий этилди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо компанияларига, замонавий ва самарали савдо услубларини қўллаган ҳолда ҳамда жаҳон нархларидан келиб чиқиб, ўз маркетинг стратегиясини мустақил белгилаш ва пахта толасини сотиш ҳуқуқи берилди. Буларнинг барчаси республикамизда етиштирилаётган барча тола ассортиментини экспорт қилиш билан бирга, унинг халқаро бозордаги нархи юқори бўлишини таъминлаш, уни сотиш географиясини кенгайтиришга ёрдам беради. Бугун ўзбек пахтаси Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Корея Республикаси, Вьетнам ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бироқ, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланиши пахтани ўзимизда қайта ишлашни кўпайтириш ва қўшимча қиймати юқори тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни талаб этмоқда. Масалан, 1990 йилда пахтани қайта ишлаш ҳажми атиги 3 фоиз эди, 2004 йилда эса у 28 фоизни ташкил этди. 2008 йилда бу кўрсаткични 51 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. 2005-2008 йилларда Тўқимачилик саноатини ривожлантириш дастури амалга оширила бошланди. Ушбу дастур доирасида 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда, 94 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

— Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсат самараси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида жуда юксак обрў қозонди, етакчи ўринларни эгаллади, — деди ярмарканинг очилиш маросимида Жанубий Кореянинг «ДЭУ Интернейшнл Корпорейшн» компанияси президенти Ли Тае Енга. — Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасининг ўтказилиши жаҳон пахта бозорининг барча иштирокчилари учун катта, тарихий воқеа бўлиб, Буюк ипак йўли тикланганлигининг яққол далилидир. У тола сифатини янада оширишгагина эмас, балки бутун пахта бизнесини ривожлантиришга ёрдам беради. Корпорациямиз сўнгги йилларда тузилган шартномаларга мувофиқ Ўзбекистондан 1 миллион тоннадан ортиқ тола сотиб олди.

Ярмарка дастури жуда бой. Ўзбек пахтасининг хорижий истеъмолчилари билан республикамиз пахта саноати вакилларининг кўплаб учрашувлари бўлиб ўтмоқда, бундай тадбирларда ҳамкорликнинг мақбул шартлари муҳокама этилмоқда.

Ярмарка давомида биз унинг бир неча қатнашчилари билан суҳбатлашдик.

«Cotton Outlook» халқаро нашри бош муҳаррири Рей Батлер:

— Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ҳақида жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишда иштирок этиш таклифидан хурсандмиз. Бу ерда кўпгина мамлакатлардан энг йирик пахта истеъмолчилари вакиллари тўпланган Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида мавқеи юксалиб бораётгани ва унинг иқтисодий салоҳияти ўсаётганидан дарак беради. Мен мамлакатингизда биринчи марта 1992 йилда бўлган эдим. Бугун Ўзбекистон пахта экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланди. Мазкур ярмарка республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, янги алоқаларни йўлга қўйиш, янги битимлар тузиш имконини беради. Ўзбекистонда замонавий бозор инфратузилмаси яратилган — хомашё ва товар биржалари фаолият кўрсатмоқда, бозорни зарур ахборот билан таъминлаш учун илғор телекоммуникация технологиялари қўлланмоқда. Ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридаги нуфузини янада ошириш учун мамлакатингизда катта имкониятлар бор. Бундай юксак даражадаги пахта ярмаркасининг ташкил этилиши — бу соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши асосдир. Бу воқеа «Cotton Outlook» журналида кенг ёритилади. У бутун дунё бўйлаб тарқатилгани боис, ўзбек пахтасининг имкониятлари билан янада кўпроқ харидорлар танишади.

Хитойнинг «НунКэнь» импорт-экспорт корпорацияси бош директори Лян Вэнь Ин:

— Биз Ўзбекистондан 5 йилдан бери пахта толаси сотиб оламиз. Йилдан-йилга харид ҳажми ортмоқда. Хитойдаги энг катта трейдер сифатида ўзбек пахтасини мамлакатимиздаги кўплаб ишлаб чиқарувчиларга етказиб берамиз. Улар орасида компаниямиз корхоналари ҳам бор. Бу галги ярмаркада 100 минг тонна толага шартнома тузишни мўлжаллаяпмиз. Келгусида ҳам ҳамкорлик қилишдан умидвормиз. Чунки ўзбек пахтаси юқори сифати билан ажралиб туришидан ташқари, мамлакатингизда импорт қилувчилар учун қулай шароит яратилган. Ўзбекистон иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ишончли ҳамкордир.

Ҳиндистоннинг «Нахар экспорт лимитед» компанияси бош директори Гуршаран Дхиман:

— Компаниямиз енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Тайёр тола истеъмоли 100 минг тоннани ташкил этади. Биз илгари ҳам юқори сифати билан ажралиб турадиган ўзбек пахтасидан фойдаланар эдик, аммо шу пайтгача уни «учинчи қўл»дан, бошқа мамлакатлардаги трейдерлардан сотиб олардик. Ярмаркада қатнашиш Ўзбекистондаги пахта етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, компаниямизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради.

А.ИВАНОВА, Ғ.САЙДУЛЛАЕВ, О.НОРБЕКОВ, ЎзА мухбирлари

Суратларда: пахта ярмаркасидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Пахта — 2005»

КАТТА КАРВОН МАРРАДА

Қашқадарёлик пахтакорлар мамлакатда энг кўп — 426 минг тонна пахта топшириб, шартнома режасини бажардилар. Галдаги марра — 500 000 тонна!

Танти деҳқон яратган хирмонда миллион-миллиард чаноқлар тимдалаган бармоқларнинг тафти бор. Қутлуғ 2700 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган биргина Қарши шаҳридан 24 мингдан ошиқ ҳашарчи пахтакорга мададкор бўлди. Вилоят **қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси, «Пахта штаби» масъул ходими Жонимқул Ҳасанов** сўзлайди:

— Йилнинг йилдан фарқи бор... Воҳанинг тоғолди туманларида баҳор серёғин келгани, чигит экиш бирмунча кечиккани ҳали-ҳали эсимизда. Кейин айрим туманларда ҳосил кеч пишди. Лекин кўп йиллик тажриба, тадбиркорлик иш берди: 164 минг гектар ернинг 130 минг гектарида «Бухоро-6», қолганида «Наманган-77» толаси юқори, серҳосил пахта навлари ўстирилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди...

— Ҳа, рост, — унинг фикрига қўшилди **Касби тумани ҳокими Фурқат Шарипов.** — Уруғчиликка эътибор — юқори ҳосил дегани. Туманимизда бу йил 22 минг 200 гектар майдоннинг ярмида «Бухоро-6», ярмида эса «Бухоро-8» навли пахта ўстирдик. Қарши иқтисодиёт институти олимлари далаларимизда бўлиб, деҳқонларимизга мунтазам амалий ёрдам, маслаҳат бериб турдилар. Режадаги 5440 тонна ўрнига 6770 тонна, 5724 тонна ўрнига 7 минг 100 тонна пахта сотган Шароф Рашидов номли ва Навоий номли ширкат хўжаликлари ибратини алоҳида таъкидлашни истардим... Биз бу йил ялпи хирмон салмоғини 90 минг тоннага, соф фойдани эса 13 миллиард сўмга етказишга аҳд қилганмиз...

— Бу ютуқда кўпчиликнинг ҳиссаси бор, — ҳикоя қилди **«Қишлоқхўжаликкимё» вилоят ҳудудий акционерлик жамияти раҳбари Жалол Ҳайитов.** — Биз янгидан 117 та тармоқлар туздик, натижада фақат пахта учун 36 минг тонна азотли, 7800 тонна фосфорли, 1500 тонна калийли ўғит ўз вақтида етказиб берилди. Трактор пуркагич ва самолётлар ёрдамида 150 минг гектар майдондаги ғўзаларнинг барги сунъий тўктирилди. Бу — ҳосилнинг эрта пишиши ва терим суръати ошишига таъсир кўрсатди...

— Бугунги муваффақиятларни фермерлик ҳаракатисиз тасаввур этиб бўлмайди, — давом этди **Косон туманидаги «Гувалак» машина-трактор парки бошлиғи Зиёдулла Рўзиқулов.** — Туманимиз режани ошириб бажарган экан, бу — фермерлик ҳаракатининг қудрати. Узоққа бормайлик, илгари ширкат қарзга ботган эди. Ер фермерлар қўлига тўла ўтгач, уларда иқтисодий юксалиш юз берди. Мавжуд 2342 гектар ердан 6600 тоннага яқин пахта олиб, режа ошириб адо этилди. Далаларда ҳали яна чамамда 1500 тонна ҳосил бор... Фермерларимизнинг кўпчилиги янги техника воситалари сотиб олишаяпти. Машина-трактор паркимиз ҳам уларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда...

Бу йил вилоят пахтачилигида 13 минг 71 та фермер хўжалиги меҳнат қилган бўлса, уларнинг 11 минг 100 тадан ортиғи шу кунгача шартномани ошириб уддалашди. Масалан, нишонлик фермер Тўра Раҳмонов режани беш иш кунида бажарди. Косон туманидаги «Соҳибкор» фермер хўжалигига қарашли 10 гектар ерда ҳосилдорлик 60 центнерга етди.

Катта карвонга Косон тумани 70 минг, Қарши тумани 52 минг, Миришкор тумани 60 минг, Нишон тумани 53 минг, Муборак тумани 26 минг тоннадан зиёд улуш қўшдилар.

Вилоят пахтакорлари янги давонни кўзлашди: — 500 минг тонна!

Бу марра ҳам забт этилиши, шаксиз.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ДАРОМАД ВА БУРОМАД

Ўтган деҳқончилик йилида Навоий вилояти пахтакорлари 22 октябрда маррага етишган бўлса, жорий йилда 8 октябрь куни шартномавий режани уддалашди. 110 минг тонна хомашёнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди.

Хўш, бунга қандай эришилди?

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Акром Алиқулов сўзидан:

— Пахта ишлаб чиқарувчи ва етиштирувчи хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, серҳосил, сертола пахта навлари қанча кўп бўлса, у маҳаллий шароитга хос ва мос ҳолда экилса, мавсум муддати қисқариб бораркан.

Яна бир муҳим жиҳат, бу — эртапишар «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Ан-Боёвут-6», «Оқдарё» сингари Зарафшон воҳасига мақбул ғўза навларига эътибор беришимиз бўлди.

Дарвоқе, навоийликлар бултур тармоқдан 25 миллиард сўм атрофида даромад кўришган бўлишса, бу йил 34 миллиард сўмдан зиёд наф кўришаяпти. Бунинг 8,5 миллиард сўми соф фойда...

Шартномавий режа бажарилган бўлса-да, ҳали далаларда ҳосил мўл. Хатирчи, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа туманларида шу кунларда 1,5-2 фоиз миқдорида хомашё тайёрланаяпти. Вилоят заршунослари яна 10 минг тонналик хирмон кўтариб, ялпи ҳосил салмоғини 120 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар. Бу — 39 минг 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарилади ва даромад 40 миллиард сўмга етади, дегани.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Оҳангарон туман кенгашида бошланғич партия ташкилотлари раисларининг семинари бўлиб ўтди. Унда партия билетларини алмаштиришга тайёргарликнинг бориши ҳамда ХДПнинг 14 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш режалари кўриб чиқилди.

Оққўрғон туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида Тошкент тумани меҳнат жамоалари ва ўқув муассасаларининг раҳбарлари ҳамда илғор теримчилар иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси С.Аъзамов сўзга чиқиб, меҳнаткашларни пахтани ёғинсочинга қолдирмасдан йиғиб-териб олишга, айниқса ХДП аъзоларини янада фаоллик билан ишлашга чақирди. Илғор теримчиларга совғалар топширилди.

Андижон вилоят кеннашида туман, шаҳар партия ташкилотлари раислари иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда ЎзХДПнинг янги Дастури мазмун-моҳиятини жойларда ўрганиш юзасидан маърузалар тингланди. Семинар иштирокчилари, шунингдек, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар ишлаб чиқдилар.

Марҳамат туман кенгаши туман мудофаа ишлари бўлими ҳамкорлигида ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш тадбирини ташкил қилди. Унда сўзга чиққанлар бўлажак аскарларга хизматни юксак даражада ўтказиш, ота-оналари бағрига соғ-омон қайтиб келишини тиладилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Муносабат

ҲИМОЯ ҲУҚУҚИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ташланган муҳим қадамлардан бири эканлигини бугун кўплаб халқаро экспертлар ҳам эътироф этишмоқда. Унга кўра, 2008 йил 1 январидан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация»сида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жумладан жиноят ишларини юритишда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид бир қанча нормалар мавжуд. Чунончи, мазкур Декларацияда «Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга» (8-модда), «Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга» (10-модда), «...Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга» (12-модда), деб уқтирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-, 25- ва 44-моддаларида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилиниши лозимлиги таъкидланган.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», шунингдек Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-моддасига биноан ҳар қандай ушланган ёки қамалган шахс қисқа вақт мобайнида судга келтирилиб, қамалишининг асосли ва қонуний эканлиги суд томонидан текширилиши лозим. Юқоридаги Фармоннинг кучга кириши орқали ушбу муаммо тўла ўз ечимини топади.

Процессуал мажбурлов чоралари устидан суд назорати кўплаб хорижий мамлакатларда самарали қўлланиб келинмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бир қанча давлатларда қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтириш билан бирга бошқа турдаги тергов ҳаракатлари ўтказиш учун ҳам суддан рухсат олиниши талаб этилади. Бундай тергов ҳаракатларига ушлаб туриш, тинтув, олиб қўйиш, мол-мулкни хатлаш, лавозимдан четлаштириш, телефон сўзлашувларини эшитиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Қонунчилигимизда ҳам шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган мазкур чораларни суд рухсати асосида қўллаш тартибига босқичма-босқич ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Деярли барча ривожланган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, дахлсизлиги ва бошқа қонуний манфаатларини чеклаш билан боғлиқлиги эътиборга олиниб, жиноятчиликка қарши курашда бу мажбурлов чораларидан имкони борича камроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Аксарият мамлакатларда қамоққа олиш, уй қамоғи ва гаров фақат қонунларда кўрсатилган ҳолда, етарли ва ишончли далиллар асосида суднинг рухсати билан қўлланиши мумкинлиги назарда тутилади. Жуда оз давлатларда процессуал мажбурловлар прокурор қарори билан қўлланса-да, унинг устидан манфаатдор шахслар судга шикоят беришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Мажбурлов характеридаги эҳтиёт чораларини фақат суд қарори ёхуд назорати остида қўлланиши одил судлов ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш орқали нималарга эришилади, деган ҳақли савол туғилади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 25-моддасида биринчи инстанция суди мажлисида ва ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилиши белгиланган. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши билан тортишув тамойили суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида амал қила бошлайди. Судда қамоққа олиш масаласи ҳал этилаётган вақтда айблов томони билан биргаликда ҳимоя томони — гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг ҳимоячиси иштирок этади. Ушбу шахслар айблов томони билан қамоққа олишнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги юзасидан ҳалол тортишув олиб бориш ва эътирозлар билдириш имкониятига эга бўлади.

Иккинчидан, Жиноят процесси Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро шартномалар ва Конституция нормаларига янада мувофиқлаштирилади.

Учинчидан, айби бўлмаган шахсларни ноҳақ қамоқда сақлаш ҳолларининг ўз вақтида олди олинади. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўшимча кафолатланади. Ҳимоянинг нуфузи яна бир поғона юқорига кўтарилади.

Тўртинчидан, ноқонуний, асоссиз қарорлар қабул қилиниши, номақбул далиллар олиниши ҳолатларига чек қўйилади.

Шунингдек, суриштирув ва тергов органлари ходимларининг ўз вазифасига бўлган масъулияти янада ортади.

Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти «Жиноят процесси» кафедраси ўқитувчиси

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, ЛЕКИН СИНМАЙДИ

Аксарият гаровда бўлган жабрланувчилар ҳам ўз кўрсатмаларида бир неча хорижий журналистни кўрганини, улар гаровдагиларга (гарчанд жангарилар бегуноҳ кишиларга ғайриинсоний муомала қилаётган, уларни қийноққа солаётган, уриб-тепкилаётган бўлса-да) парво қилмай ўтиб кетганини, фақат «штаб» аъзолари билан гаплашганини айтиб берди.

«Айби борнинг тиззаси қалтирайди» деганларидек, Андижонда содир этилган террорчилик ҳақида бўҳтон ва уйдирмалар тарқатган, мазкур воқеаларни ноҳолис ёритиш бобида «чаққонлик кўрсатган» айрим чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари «ҳукумат ишлагани қўймаяпти» деган баҳонага «ҳомийлари»ни лаққа ишонтириб, юртимиздан жуфтакни ростлаб қолди.

Суд жараёнларини ёритиш истаклари инобатга олиниб, бунинг учун зарур шарт-шароит яратиб берилган баъзи хорижий мухбирлар эса аввалига иштирокчиларнинг Олий суд биносига кириши қийин кечаётгани, улар «учта жойда текширувдан ўтказилиб, кейин суд залига қўйилаётгани»дан «ташвиш» билдирдилар. Ҳолбуки, террорчиликда айбланаётганлар устидан суд олиб борадиган мамлакат тегишли хавфсизлик чораларини кўриши нафақат табиий ҳол, балки зарурий чорадир.

Кейинчалик — судланувчилар иқрорий кўрсатмалар бера бошлагач, хориж мухбирларининг ахборот хуружи уларга ҳам қарши қаратилди. Бу, бир томондан, анча-мунча сирларни «гуллаб» қўя бошлаган айбланувчиларнинг оғзини ёпиш, иккинчи томондан, ҳали якунига етмаган суд жараёнларига таъсир ўтказишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Ҳатто баъзи хорижий манбалар куни кеча ўзлари бутун дунёга «зиёли тадбиркор», «тинч намойишчи», «ҳукуматдан жабр кўрган одам» сифатида талқин этган, бугун эса суднинг қора курсисида жиноий қилмишларини тан олиб, айбига иқрор бўлиб, пушаймон қилиб турган судланувчилардан бири — Таваккалбек Ҳожиевни «Акромийлар» аъзоларига нотаниш шахс, «ҳукуматнинг одами» қабилида уйдирма тўқиб тарқатишгача борди.

Назаримизда, Т.Ҳожиев ўзи сафида бўлган жангариларни қўллаб-қувватлаган ташқи кучлар, хусусан, муайян давлатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, журналистлар билан ўзаро хуфя мулоқотлар ҳақида бошқа судланувчиларга нисбатан анча очиқ кўрсатмалар бергани учун шу тариқа «жазоланди».

Навбатдаги суд мажлисида Ҳ.Шокировдан: «Ҳожиев Таваккалбекни танийсизми?» деб сўралди ва мазкур саволга у: «Ҳа, танийман, чунки у билан бир мактабда бир синф фарқ билан олдинма-кейин ўқиганмиз», деб жавоб қайтарди. Ҳ.Шокиров айбланувчилар орасидан Т.Ҳожиевни кўрсатиб берди. Бу савол-жавоб айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган «Таваккалбек Ҳожиев — ўйлаб топилган шахс» қабилидаги даъволарга ўзига хос жавоб бўлди.

Ахборот — қудратли қурол. Бу эса ана шу қурол соҳиблари зиммасига катта масъулият юклайди. Аввало, журналист доим ақлидрок билан иш юритиши, холис бўлиши, касб одоби ва шаъни, инсоний виждон каби муҳим мезонларга амал қилиши тақозо этилади. Айниқса, ҳақиқат — журналистиканинг устувор қоидаси ва унга риоя этиш шарт.

Афсуски, Андижон воқеалари юзасидан бўҳтон тарқатиш, бошқача айтганда, юртимизга қарши ахборот хуружи ҳали ҳам давом этмоқда. Ҳозирги кунда айрим хорижий оммавий ахборот воситалари тўқиётган уйдирмаларнинг асосий мазмуни шундайки, гўё Тошкентдаги суд жараёнида судланувчилар, жабрланувчилар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар бераётган барча кўрсатмалар — ёлғон, фақат чет элларда дарбадар юрганлар рост гапираётган эмиш.

Аслида бу даъвода зиғирча ҳақиқат ё холислик тугул, оддий мантиқ ҳам йўқ. Зотан, очиқ суд жараёнида судланувчилар қилмишига яраша адолатли жазо олиши муқаррарлигини тўла ҳис қилган ҳолда, ўз ихтиёри билан иқрорий кўрсатмалар бермоқда. Жабрланувчилар, гувоҳлар судда ёлғон кўрсатма бергани учун жавобгарликка тортилиши ҳақида оғзаки ва ёзма тартибда олдиндан огоҳлантирилаётир.

Сўз берилганлар ўзини тўлиқ таништираяпти, суд мажлиси қатнашчилари (улар орасида чет эллик журналистлар, хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор) уларни бемалол кўриб, аҳвол-руҳиясини кузатиб турибди. Ҳар гал саволлар туғилганида, суд раиси ва суд аъзолари, давлат қораловчилари ва адвокатлар, ҳатто жабрланувчи ва гувоҳлар, судланувчилар иштирокида тафсилотлар тўла ойдинлаштириб олинаётганига барча гувоҳ бўлмоқда.

Энди ўзингиз айтинг, хорижда бировларнинг хоҳиш-иродасига тобе ва муте яшаётган, айни чоғда шахси кимлиги, Андижон воқеаларида иштироки нечоғли экани бутунлай қоронғу қандайдир аламзада — «Н» исмли шахсдан олинган шубҳали интервью суддаги очиқ ва ошкора кўрсатмаларга нисбатан ишончли бўлиши мумкинми? Боз устига, дарбадар юрганларга ҳеч ким руҳий, маънавий, моддий тазйиқ ўтказмаяпти, деган чўпчакларга ёш бола ҳам ишонмайди. Шундай экан, уларнинг номидан тарқатилаётган ҳар қандай ахборот холис ва ҳаққоний эканига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Бугун Андижондаги террорчиликда айбланувчилар ҳақли равишда одил суд олдида жавоб бермоқда. Айни чоғда айрим ашаддий ижрочилар, кўп сирлардан хабардор кимсалар ўзга юртларга қочиб улгурди. Уларнинг аксарияти «ҳомийлари» паноҳида. Мўлжал қилинганидек, энди улардан Ўзбекистонга қарши ахборот хуружида восита сифатида фойдаланилмоқда.

Ёлғон суваракдек кўпаймоқда. Аммо инсоният тарихидан маълумки, ёлғоннинг умри қисқа. Халқимиз ибораси билан айтганда, ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Буни Тошкентда давом этаётган мазкур суд жараёни ҳам исботлаб турибди.

Ғулом МИРЗАЕВ,
Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: «ПОРЛИТАУ» ТЎҒОНИ ИШГА ТУШДИ

Амударёнинг қуйи атрофи — жанубий Орол этакларида экологик муҳитни яхшилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Мўйноқда Порлитау тўғони қурилиши фойдаланишга топширилди. Бу ерда бир миллиард 802 миллион 506 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Эндиликда секундига 360 куб метр сув ўтказиш имконига эга бўлган иншоотнинг ишга туширилиши — «Дарёоралиқ», «Шегекўл», «Макпалкўл» сингари Орол этаклари кўлларида сувни бир меъёрда сақлаш ва балиқчиликни ҳам ривожлантириш шароити туғилди.

— Объектда салкам 200 қурувчи ва 40 га яқин экскаватор, 32 бульдозер, 50 га яқин автомашина воситалари куну тун ишлади, — дейди **«Сувқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Худайберген Ақназаров.** — Улар ёрдамида 8 минг куб метрдан ортиқ бетон ҳамда 437 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилди. Узунлиги 900 метр юқори волтли электр линияси қурилди. Тўғоннинг автоматлашган бошқарув мажмуаси компьютерлаштирилди...

Дарвоқе, бу ишларни амалга оширишда мазкур жамоа фаол иштирок этди. Қурилиш билан боғлиқ яна бир қатор сув иншоотлари фойдаланишга топширилдики, натижада Мўйноқ туманида умумий майдони 200 минг гектар ҳажмдаги 2 миллиард куб метрлик «Судочье», «Ажибай», «Қоражар», «Маржанкўл», «Тўмарли». «Закрқўл», «Сарибас», «Мўйноқ» қўлтиқларини сувга қайта тўлдириш имкони туғилди.

Тўғон қурилиши ишга туширилиши муносабати билан бу ерда меҳнат қилган бунёдкорларнинг бир гуруҳига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси унвонлари ва «Фахрий ёрлиқ»лари топширилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

КУЧМА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШИ МУМКИН

Украина бош прокурори Святослав Пискун мамлакатнинг собиқ президенти Леонид Кучма бир қатор юқори мансабдор шахсларга қарши қўзғатилган жиноий ишлар доирасида жавобгарликка тортилиши мумкинлигини маълум қилди.

Бош прокуратура «иш 2003 йилда Леонид Кучма бош прокурор Святослав Пискунни ноқонуний равишда лавозимидан озод этиб, журналист Георгий Гонгадзе ўлимига боғлиқ жиноий ишни тергов қилишга халақит берганлиги учун қўзғатилган»лигини таъкидлади.

Пискун 2003 йилдаги ўз мажбурий истеъфосини генерал Пукачнинг озодликка чиқиши билан боғлайди. Гап шундаки, журналист Гонгадзе ўлими ишида Пукач асосий айбланувчи бўлган.

— Бу жиноят милиция генерал-лейтенанти Пукач томонидан содир этилганлиги бизга маълум. Бироқ жиноят буюртмачиси ким бўлганлигини ҳам аниқлашимиз керак, — деди Пискун.

ПРЕЗИДЕНТ ИККИНЧИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИ

Польшада президентлик сайлови бўлиб ўтди. Сайловнинг биринчи турида ўнг партиялар етакчилари ғалаба қозонишди. Сайловда сайловчиларнинг 50 фоизидан камроғи қатнашди.

Парламентда катталиги бўйича иккинчи ҳисобланган «Фуқаролар платформаси» партияси 38,5 фоиз, Варшава мэри Лех Качиньский бошчилигидаги «Ҳуқуқ ва адолат» консерватив партияси эса 33,3 фоиз овоз олди.

Польша Президенти Александр Квасневский икки ҳафтадан кейин президентлик сайловларининг иккинчи турида «қизиқарли тортишувлар» бўлади деб ҳисобламоқда.

Президентликка номзод бўлган Лех Качиньский кейинги турда у таклиф қилаётган «Тўртинчи Республика» ва «Бирдам Польша концепцияси» ғалаба қозонишига ишончи комил.

ДЕНОВ ДОВОН ОШДИ

«Пахта — 2005»

Қабул пунктларига 41 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бериб, шартнома режасини бажарган туман пахтакорлари яна 11 минг тонна ҳосил йиғиштириб олишга азму қарор қилдилар

Денов нафақат Сурхондарё вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга туманлардан. Бу гўшада тадбиркору, ишбилармон, ишнинг кўзини биладиган бободеҳқону, уста пахтакорларни истаганча топиш мумкин. Савдо-сотиқ, маданият, маърифат, илму-урфон ҳам бу ерда кенг ривожланган.

Бир неча йилдирки, туманда барча соҳалардаги режалар ортиғи билан уддаланиб келинмоқда. Жорий йилда давлат қабул пунктларига 53 тонна кумуш тола етказиб берилди. 14 минг 450 гектарга яқин ғалланинг ҳар гектаридан 55 центнердан дон олинди.

Энди эса туманнинг лабзи ҳалол пахтакорлари ҳам зафар маррасини эгаллашди. Давлат қабул пунктларига 41 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. Хомашёнинг барчаси юқори навларга сотилди.

— Амалдаги йилда 13 минг гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилинди, — дейди **туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Исмоил Саидаҳмедов.** — Ҳар гектар майдондан ўртача 32 центнердан ҳосил олинди. Айниқса, «Денов» навли пахта баракали бўлди. Улкан хирмонга Охунбобоев номли, Собир Раҳимов номли, Ислом Тўраев номли, Шароф Рашидов номли, Амир Темур номли, Бобур номли, «Ғалаба», «Ҳазорбоғ» ва бошқа ширкат хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан ҳосил олинди.

— Деҳқон учун қулай йилнинг ўзи бўлмаган, — дейди **Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев.** — Баҳорнинг серёғин келиши, жазирама офтоб, сув танқислиги... Шунга қарамай, хўжалигимиз пахтакорлари бугунгача 220 тоннадан ортиқ «оқ олтин» йиғиб, режани 105 фоиз бажарди. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Ҳосилдорликни гектарига 45 центнергa етказмоқчимиз.

Туман меҳнаткашлари эришган ютуқда фермер хўжаликларининг алоҳида ҳиссаси бор. Пахтачиликка ихтисослашган 286 та фермер хўжалиги 9 минг 900 тоннага яқин хирмон бунёд этди. «Бекзод», «Ўроқ», «Исмоил», «Лочин», «Баҳриддин», «Қумқишлоқ» ва бошқа фермер хўжаликлари бугунгача ўз режаларини 110-130 фоиз қилиб уддалашди.

— Ихтиёримизда 43 гектар майдон мавжуд — ҳикоя қилади **«Мирзобадал Мирзаев» фермер хўжалиги раҳбари Турсунпўлат Мирзаев.** — Унинг 23 гектарига ғалла, қолганига пахта экилганди. Агротехник ишлов, маҳаллий ва минерал ўғитлар ҳосилга ҳосил қўшди. Ишонасизми, 43 гектар ерга 600 тонна гўнг солинди. Далалар тўйди, кўпчиди... Ҳар гектар ердан 78 центнер ғалла олинди. Режадан ташқари 10 тонна ғалла ишчиларга тарқатилди. Кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган қарияларга ҳам ёрдам кўрсатилди.

Суратларда: тумандаги «Ҳазарбоғ» ширкат хўжалигининг 5-бўлими раҳбари Турғун Султонов, оилавий пудрат бошлиғи Эшбўри Жумаев ва хўжалик вакили Собир Очилов; мавсумда ҳашарга келган туман тиббиёт коллежи талабаси — илғор теручи Матлуба Ашурова.

Муҳаммади ЖУМАЕВ олган суратлар

Дарвоқе, мазкур хўжалик «оқ олтин» режасини ҳам 8 иш кунида уддалади. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил ҳозирча 28 центнерни ташкил этмоқда. Терим суръати эса ҳали пасайгани йўқ. Мўлжал — режани 150 фоизга етказиш. Шунда йиллик даромад 10 миллион сўм бўлади...

— Қўлга киритилган муваффақиятда нафақат сувчи, механизатор, теримчи ва ҳашарчиларнинг, балки 300 мингдан ортиқ аҳолининг ҳам муносиб ҳиссаси бор — таърифлади **туман ҳокими Абдусамад Ҳожиқулов.** — Бугун биз уларга миннатдорчилик билдирамиз, албатта. Ишимизнинг ўнғайлашгани — жорий йилда ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар муаммоси сезилмади. Энг муҳими — «Денов» навли пахтамиз мўл ҳосил берди. Сувсизликка чидамли, толаси пишиқ, танаси бақувват, чигитининг ёғлилик даржаси юқори эканлиги ўз исботини топди. Туманимизда пилла ва ғалладан 4 миллиард сўмдан ортиқ даромад олинган бўлса, пахтанинг ўзидан 110 миллиард сўм фойдани чўтлаб турибмиз... Умуман олганда ўтган хўжалик йилида 146 миллиард сўм даромад қилган бўлсак, жорий йилда 160 миллиард сўмни кўзлаб турибмиз...

Юртимизнинг гўзал гўшаси — Деновда тўйлар бошланиб, йирик иншоотлар ва шинам масканлар қурилишига жадаллик кирди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Туман пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик шартномавий режаларини Тошкент вилоятида биринчи бўлиб уддалашди. Қабул масканларига 20 минг тоннадан зиёд сифатли хомашё етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навларга қабул қилинди. Ҳосилдорлик ҳар гектар майдондан ўртача 26,5 центнердан тўғри келди.

Пахтачилик туманда фойдали тармоққа айланди. Жорий

ЧИНОЗ ПАХТАСИ

бу йил ҳар қачонгидан мўл ва сифатли деб эътироф этилмоқда

йилда 7 минг 500 гектар майдонга сара уруғ қадалди. Фермер хўжаликларининг кўпчилиги ҳар гектар майдондан 30-35 центнердан ҳосил олишди. Туманда жорий йил пахта ҳосилидан 5 миллиард сўмдан зиёд даромад олиш кўзланган.

— Бу йил пахта терими ҳар қачонгидан анча эрта бошланди, — дейди **туман ҳокими Турсунбой Комилов.** — Натижада ўтган йили шу кунгача йиллик режа 60-70 фоиз бажарилган бўлса, бу йил шартномадаги 19 минг 880 тонна ўрнига 20 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси тайёрланди...

Эришилган ютуқда тумандаги «Эшонобод», «Гулзоробод», «Дўстлик», Собир Раҳимов, Охунбобоев номли ширкат хўжаликларнинг ҳиссаси катта...

Туман пахтакорлари яна режага қўшимча 2 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаш мажбуриятини адо этишга бел боғлашди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ГУРУҲЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА

Араб давлатлари лигаси дипломатлари Ироққа йўл олишди. Улар Ироқ жамиятида юз бераётган зиддиятлар ва бўлинишларни бартараф этиш ниятида. 22 давлат аъзо бўлган ташкилот вакиллари ҳамма томонларнинг фикрини эшитиб, ҳеч кимга ён босмаган ҳолда муаммони ҳал этмоқчи.

Шу ҳафтада Ироқда янги Конституция бўйича референдум ўтказилиши режалаштирилган. Бироқ бу референдумга шиа ва суннийлар орасида кучайиб бораётган зиддиятлар халақит бериши мумкин.

— Ироқдаги вазият жуда ҳам чигал. Истаган пайтда фуқаролар уруши бошланиб кетиши мумкин, — дейди Араб давлатлари лигаси раҳбари Амир Мусо. — У ерда мамлакат келажаги билан ўйнашаётган шахслар кўп. Бироқ етакчи раҳбарият йўқлиги аниқ.

Амир Мусонинг сўзларига қараганда, дипломатлар Ироқдаги турли этник гуруҳларни бирлаштиришга ҳаракат қилади.

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

«Новости» ахборот агентлиги хабар беришича, Қирғизистон жанубида қуйдирги касаллиги авж олди. Жалолобод вилоятининг ўзида шу ташхис билан тўққиз одам касалхонага ётқизилди. Мамлакатнинг ветеринар хизмати беморларнинг ҳаммаси заҳарланган мол гўштини истеъмол қилганлиги натижасида касаллик юқтирганлигини қайд этди.

Қирғизистоннинг Бозорқўрғон вилоятида ҳам бу касалликни юқтирган шахслар шифохоналарга ётқизила бошланди. Вилоятдаги гўшт, сут ва мол бозорлари ёпиб қўйилди.

ЗИЛЗИЛА АФҒОНИСТОН ВА ҲИНДИСТОНДА ҲАМ СЕЗИЛДИ

Ўтган ҳафтанинг охирида Покистонда кучли зилзила рўй берди. Шу кунгача олинган маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида 30 мингга яқин одам ҳалок бўлган. 42 мингдан ортиқроқ аҳоли жароҳатланди. Кашмирнинг Ҳиндистон томонидан назорат қилинадиган ҳудудида ҳам 550 га яқин жасад топилди. Зилзила маркази Кашмирнинг Покистон томонидан назорат қилинадиган ҳудудидаги Музаффаробод шаҳрининг жануби-шарқидаги Бағ шаҳарчасида эканлиги аниқланди. Шаҳарча ер билан яксон бўлди. Ҳалок бўлганларнинг асосий



қисми шу шаҳарчага тўғри келади. Покистонга турли мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдамлари кела бошлади. Ёрдамлар ҳажми Покистон президенти Парвез Мушарраф халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилгандан кейин янада ошди. Ҳозиргача Покистонга Европа Иттифоқи 3,6 миллион доллар, Австралия 380 минг доллар, Буюк Британия 177 минг доллар ва 60 та қутқарувчи, АҚШ 100 минг доллар, Хитой 49 та қутқарувчи, Япония 50 та қутқарувчи, Россия 30 та қутқарувчи ва махсус жиҳозлар юборди. Германия эса 60 минг долларлик ёрдам кўрсатди. Зилзила Афғонистон ва Ҳиндистон пойтахтларида ҳам сезилди.

Спорт

ҲАММАСИ МАНАМАДА ҲАЛ БЎЛАДИ

2006 йил Германияда бўладиган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг плей-офф босқичида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси 3 сентябрь куни Тошкентда Баҳрайн футболчилари билан куч синашган эди. Ушбу учрашувда бош ҳакам япониялик Тошимицу Йошида техник хатога йўл қўйганлиги туфайли ФИФА ўйин натижаси(1:0)ни бекор қилиб, Ўзбекистон — Баҳрайн терма жамоалари баҳсини қайта ўтказадиган бўлганди.

Кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган мазкур ўйин 8 октябрь куни Тошкентда қайтадан уюштирилди. Ўзбекистон Футбол федерацияси талаби билан европалик ҳакамлар гуруҳи бошқарган ушбу учрашувда юртимиз ишқибозлари кутган натижа қайд этилмади. Тўғри, ўйиннинг 1:1 ҳисобида якунланганлигидан ҳали хулоса чиқаришга эрта. Аммо кичик ҳисобда бўлса-да, қўлга киритилган ғалабанинг бекор қилиниб, такроран ўтказилган ўйиннинг дуранг билан тугаганлиги футболчиларимизга руҳий жиҳатдан салбий таъсир қилиши бор гап. Энди терма жамоамиз эртага Манамада ўтадиган жавоб учрашувида фақат ҳужумкор ўйин намойиш этиб, ғалаба иштиёқида тўп суришлари лозим бўлади. Футболчиларимизнинг кейинги босқичга йўлланма олишлари учун эса бу ўйинда вакилларимиз камида 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашлари ёки бўлмаса зафар қучишлари зарур.

— Қайд этилган натижадан фожиа ясашга шошилмаслик керак, — деди терма жамоамиз бош мураббийи Боб Хоугтон учрашувдан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида. — Кейинги босқичга чиқувчи жамоа икки ўйин натижасига қараб аниқланишини ёддан чиқармаслик лозим. Ўзларингиз гувоҳ бўлдиларингиз, йигитларимиз майдонда ёмон ҳаракат қилишмади. Икки маротаба тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Ачинарлиси, энг қулай вазиятларда терма жамоамиздан омад очиқчасига юз ўгирди. Биз Манамада, албатта, мухлислар ишончини оқлаш учун бор куч ва имкониятимизни ишга соламиз.

Терма жамоамиз аъзолари 9 октябрь куни Манамага жўнаб кетди.

МАЙДОНДА ШИФОКОРЛАР

Тошкент Тиббиёт академиясида Сиҳат-саломатлик йилга бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуида спортнинг енгил атлетика, волейбол, мини футбол, стол тенниси каби турлари бўйича беллашувлар ўтказилди. Бошқа таълим муассасаларидан фарқли ўлароқ, мусобақаларда талабалар эмас, аксинча академия тасарруфидаги ўқув-даволаш клиникалари шифокорлари, профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

— Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ушбу тадбирнинг аҳамияти беқиёс, — дейди мусобақа қатнашчиси, 3-даволаш клиникаси бош шифокори Мурод Қодиров. — «Истиқлол» спорт мажмуида мусобақаларнинг фақат финал босқичи ўтказилди, холос. Меҳнат жамоамизда спорт тўгараклари иш бошлаганига, машғулотлар ўтказилаётганига эса анча бўлди. Биз бу байрамга тайёргарликни бир неча ой илгари бошлагандик. Шу боис, клиникамиз аъзолари саккиз жамоа орасида волейбол бўйича бош совринни, мини футбол, стол тенниси мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Шахсан ўзим клиникамизнинг футбол жамоаси таркибида тўп сурдим.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Тоҳир НИГМАТУЛИН олган суратлар.

ОҚГУЛ — «TASHKENT OPEN» ФИНАЛЧИСИ

Пойтахтимизда мукофот жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи «Tashkent open-2005» халқаро турнири зўр муваффақият билан уюштирилди. WTA Tour туркумидаги мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан энг сара теннисчи қизлар кортга чиқдилар.

Бир ҳафта давом этган ушбу халқаро турнирда Екатерина Бичкова (Россия), Алёна Бондаренко (Украина), Антонелла Серра-Занетта (Италия), Эмма Лаине (Финляндия), Мичаэлла Крайчек (Голландия) сингари етакчи ракеткачилар билан бир қаторда ҳамюртларимиз ҳам муносиб иштирок этди. Жароҳати туфайли анча вақт мусобақаларда қатнаша олмаган иқтидорли теннисчимиз Ирода Тўлаганова Тошкент кортларида яна бир бор омадини синаб кўрди. Ҳамюртимиз дастлабки учрашувни украиналик Олга Савчуккага қарши ўтказиб, баҳсларни (6/2, 6/2) ғалаба билан бошлаган эди. Бироқ, иккинчи давра учрашувида Ирода мусобақанинг учинчи рақамли теннисчиси саналган италиялик Антонелла Серра-Занеттига ютқазиб қўйди — 4/6, 6/2, 1/6.

Гарчи бош совринни қўлдан чиқарган бўлса-да, яна бир моҳир теннисчимиз Оқгул Омонмуродова турнирда мухлислар меҳрини қозонди. Сентябрь ойида юртимизда уюштирилган қитъа чемпионатида Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлган ҳамюртимиз учрашувларни муваффақиятли бошлади. Илк учрашувда турнирнинг иккинчи ракеткачиси украиналик Алёна Бондаренкони мағлубиятга учратган (7/6(1), 6/4) Оқгул финалгача бўлган баҳсларда ҳам ўз мухлисларини хурсанд қилди. Нимчорак ва чорак финалда у россиялик Галина Воскобоева ҳамда Елена Весниналарни мағлубиятга учратди. Оқгулнинг иқтидорини юксак баҳолаган мутахассислар унинг мусобақадаги имкониятини юқори баҳолашганди. Якунда ҳам шундай бўлди. Кундан кун маҳорати ўсиб бораётган теннисчимиз ярим финалда италиялик Мария-Елена Камерини 6/3, 6/4 ҳисобларида енгиб финалга йўлланма олди. Оқгулнинг ҳал қилувчи баҳсдаги рақиби мусобақанинг тажрибали иштирокчиларидан бири, ярим финалда турнирнинг биринчи ракеткачиси Екатерина Бичкова (Россия)ни мағлуб этган Мичаэлла Крайчек бўлди. Ниҳоятда қизғин ва муросасиз кечган финал учрашуви уч сет давом этди. Ушбу баҳсда Оқгулнинг бироз омади чопмади (0/6, 6/4, 3/6) ва у бош совринни бой берди.

Мусобақанинг жуфтлик баҳслари ҳам барчанинг диққат марказида турди. Финалда Анастасия Родионова/Галина Воскобоева (Россия) жуфтлиги Эмилле Лоит (Франция)/Мария-Елена Камерин (Италия)ларга қарши кортга чиқди. Унда Лоит/Камерин жуфтлиги маҳорат кўрсатиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди — 6/3, 6/0.

КУРАШ СЎНГГИ ТУРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Шу кунларда Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ФИДЕнинг жаҳон чемпионлиги учун ўтаётган баҳслар ҳал қилувчи паллага кирди.

Мусобақанинг еттинчи ва саккизинчи турларида кетма-кет икки учрашувда имкониятни бой берган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов сўнгги партияларда муваффақиятли дона сурди. Дастлаб у шанба куни жаҳон чемпионатининг тўққизинчи турида россиялик халқаро гроссмейстер Пётр Свидлерга қарши ўйнади. Ушбу партияда қора доналарда ўйнашига қарамай Рустам рақиби билан очко бўлишди — 0,5:0,5. Чемпионат пешқадамларидан бири саналаётган Пётр Свидлерга қарши ўтказилган ушбу учрашув гроссмейстеримиз учун навбатдаги партия олдидан муносиб ҳозирлик вазифасини ўтади.

Кетма-кет муваффақиятсизликдан сўнг, ўзини анча ўнглаб олган Рустам Қосимжонов 10-турда венгриялик Юдит Полгар билан баҳс юритди. Ёдингизда бўлса, мазкур жуфтликнинг биринчи даврада уюштирилган учрашувида венгриялик шоҳмотчига омад кулиб боқканди. Иккинчи партияда эса оқ доналарда ўйнаган вакилимиз дастлабки даврадаги мағлубият аламини олди — 1:0.

Ушбу турнинг қолган барча партияларида эса дуранг натижа қайд этилди. Унда Веселин Топалов (Болгария) — Александр Морозевич (Россия), Майкл Адамс (Буюк Британия) — Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Петер Леко (Венгрия) — Пётр Свидлер жуфтликлари ўзаро дона суришди.

Ниҳоясига етган ўнинчи тур баҳсларидан сўнг ҳозирча Топалов 8 очко билан турнир жадвалида пешқадам бўлиб турибди. Россиялик Пётр Свидлер ҳисобида эса олти очко бор. 3-4 поғоналарни банд этган Морозевич ва Ананд бир хил 5,5 тадан очко жамғарган. Амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳамда Петер Леко 4,5 тадан очко тўплаган бўлса, Майкл Адамс (3,5), Юдит Полгар (2,5) кейинги ўринларни эгаллашган.

Кеча ҳамюртимиз ҳиндистонлик Вишванатан Анандга қарши қора доналарда ўйнади. Ушбу жуфтликнинг биринчи даврада ўтган учрашувида Рустам Қосимжонов ғалаба қозонганди. Шунингдек, 11-турнинг қолган партияларида Адамс — Топалов, Полгар — Леко, Свидлер — Морозевичлар ўзаро куч синашдилар.

Эркин ХОЛБОБО

НОКАУТ ҚИЛСА-ДА, ЧЕМПИОН БЎЛОЛМАДИ

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал бокс бўйича WBC йўналишидаги енгил вазнли собиқ жаҳон чемпиони Хосе Луис Кастильо билан WBC ва WBO йўналишлари бўйича чемпион Диего Корралес ўртасида ҳал қилувчи жанг ўтказилди.

Қизғин баҳснинг тўртинчи раундида Хосе рақибига кучли зарба берди. Диего нокаутга учради. Лекин ҳакамлар унга чемпионлик белбоғини бермасликни лозим топишди. Боиси боксчининг вазни ўлчанаётганда кўзда тутилган тоифага мос эмаслиги аниқланган экан.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ХОНАКИ КОНСЕРВА ТАЙЁРЛАШ

ЁКИ УЙ ШАРОИТИДА ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТУЗЛАМАЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ХУСУСИДА

Маълумки, халқимиз қишли-қировли кунларда қовурилган, калорияли овқатларни истеъмол қилишда тузламалардан кўп фойдаланади. Қолаверса, тузлама, салатлар ицтаҳани очади, айниқса, қариялар ва ёшлар организмида бу маҳсулотларга мойиллик кучли. Шунинг учун уй бекалари турли хил консервалар йил бўйи дастурхонда бўлишини исташади. Афсуски, баъзан хонаки тайёрланган маҳсулотлардан заҳарланиш — ботулизм билан оғриш ҳолатлари учраб туради.

Оила аъзоларимизни қандай қилиб бундай кўнгилсиз ҳолдан асрашимиз мумкин? Умуман, қайси маҳсулотни, қандай шароитда консервалаш керак? Тошкент вилояти клиник шифохонасининг бош шифокори, мутахассис Улуғбек УСМОНОВ билан мухбиримиз суҳбати ушбу масалага бағишланган.

— Айтингчи, ботулизм қандай касаллик?

— Ботулизм касаллигини «ботулинус» деб аталадиган таёқчалар келтириб чиқаради. Бу таёқчалар — споралар бизни ўраб турган муҳитда кенг тарқалган. Улар ташқи муҳитда ўн йиллаб сақланади. Споралар сувга, мева-сабзавотларга, қўзиқоринга, гўшт балиқ маҳсулотларига чанг ва ифлос нарсалар орқали ўтиб, уларни заҳарлайди. Бироқ бу микроблар кишилар саломатлиги учун унча хавфли бўлмайди, касаллик келтириб чиқармайди, яъни улар «заиф» микроблардир. Борди-ю, «ботулинус» таёқчалари уйда тайёрланаётган консерва маҳсулотларига тушиб қолса, бу инсон ҳаёти учун хавфли ҳисобланади. Чунки бу споралар дезинфекцияланган, консервага солинган намакобда, юқори ҳароратда ва сиркада узоқ вақт яшай олади. Маҳсулотни ҳатто 5-8 соат қайнатганда ҳам улар ўлмайди. Бу микроблар ҳавосиз шароитда, кислородсиз муҳитда тез ривожланади ва ўзидан заҳарли газ чиқаради.

Консерва тайёрлаш вақтида уй бекалари маҳсулотни тозалаб ювмай, консерва қилса, бир дона спора сақланиб қолса ҳам маҳсулотни истеъмолга яроқсиз ҳолга келтиради. Айниқса, қўзиқоринлар ғадир-будур ва эластик бўлганлиги учун уларни тозалаб ювиш қийинроқ. Агар қўзиқоринниг кўзга кўринмас қисмида тупроқ ёки лой бўлса, унда «ботулинус» таёқчаси сақланиб қолиши мумкин.

Қўзиқорин банкага солиниб қайнатилаётганда, қопқоғи бекитилаётганда пайдо бўлган кислородсиз шароит туфайли споралар ривожланиб, «ботулинус» таёқчаларини ҳосил қилади. Бундай қулай шароитда таёқчалар тез кўпайиб, ўзидан заҳарли газ ҳамда заҳар чиқаради. Ҳосил бўлган «заҳар»ли газ маҳсулотнинг кўринишига ва мазасига таъсир қилмайди. Шунинг учун ҳам уни истеъмол қилаётган одам ҳаёти хавф остида қолаётганини билмайди. Айниқса, консерва, тузлама сувида ана шундай «ботулинус» таёқчалари чиқарган газ бўлса, уни ичган киши ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Иш тажрибамда оилавий тарзда ботулизм билан касалланганлар ҳолатига кўп гувоҳ бўлганман. Одатда улар бақлажон икраси, тузланган бодринг, помидор ва болгар қалампиридан тайёрланган салат, пиёз консервалари ва қўзиқоринлар заҳарланишади. Демак, уйда консерва тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш жуда муҳимдир. Уй бекалари буни асло унутмасликлари керак.

— Ботулизмнинг белгилари қандай? Ундан қандай сақланиш мумкин?

— Заҳарланган консерва истеъмол қилингач, касаллик 2-6 соатдан 18-24 соатгача яширин тарзда кечади. Организмга қанча кўп заҳар тушган бўлса, касаллик шунча тез рўёбга чиқади. Беморнинг аҳволи оғирлашиб қолади. Ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

«Ботулинус» таёқчалари чиқарган заҳар фақатгина меъда ва ичакни эмас, балки қон орқали асаб тизими ҳамда юрак-қон томирларини ҳам заҳарлайди.

Консервадан заҳарланиш аломатлари бошқа юқумли ичак касалликларидан тубдан фарқ қилади.

Ботулизм касаллигига чалинган беморда қайт қилиш, ич кетиш ҳоллари кўпроқ учрайди. Касаллик бошланиши биланоқ беморнинг боши айланади, оғрийди, уйқуси қочади, безовта бўлади, шунингдек, қадам ташлаши оғирлашади. Кўпчилик беморларда тана ҳарорати кўтарилади, гоҳида меъёрида бўлади. Орадан бир неча соат ўтгач, беморнинг кўзи хиралашади, ютинишга, нафас олишга ҳамда гапиришга қийналади. Айрим беморларда эса бундай ҳолат умуман кузатилмайди, шунинг учун ҳам улар консервадан заҳарланганини билишмайди.

Беморнинг бундай ҳолати бирмунча вақт давом этиб, уй шароитида даволаниши ҳамма вақт ҳам яхши натижа беравермайди. Агарда бемор орадан икки-уч кун ўтгач шифохонага келтирилса, заҳар бутун асаб тизимига таъсир этган бўлиб, уни даволаш анча мураккаблашади.

— Мутахассис сифатида, оиладаги гигиенага ҳам тўхталиб ўтсангиз. Оила гигиенаси нима?

— Ботулизмнинг олдини олиш учун оила гигиенаси муҳим роль ўйнайди. Тез бузиладиган овқатларни музлаткичларда сақлаш керак, ошхона, идиш-товоқлар доим тоза бўлиши, шкафни ҳафтада бир марта тозалаб ювиш, столларни тез-тез нам латта билан артиш, идиш-товоқларни ичимлик содаси билан иссиқ сувда ювиш лозим. Сирли кострюлкани, алюминий буюмларни ва идиш-товоқларни қум ёки лой билан ювиш мумкин эмас. Чунки тупроқ таркибида касаллик қўзғатувчи бактериялар бўлиши мумкин. Маиший чиқиндилар ва овқат қолдиқлари оғзи ёпилган махсус идишларда сақланиши шарт. Агар консерва банкасининг қопқоғи сал кўтарилиб, суви хиралашиб, лойқаланиб қолган бўлса, бундай маҳсулот истеъмолга яроқсиздир. Баъзан консерва банкасининг қопқоғи отилиб кетади ёки кўтарилиб шишиб қолади, буларнинг ҳаммаси консерва бузилганидан далолат беради.

Шундай экан, ҳар бир уй бекаси консерва тайёрлашда маълум кўрсатмага тўла амал қилиши шарт. Мева-сабзавотларни тозалаб ювиш керак. Қўзиқориндан уйда консерва тайёрлаш тавсия этилмайди. Яхшиси, сабзавотларни кострюлька ёки бочкада тузлаган маъқул, чунки очиқ ҳавода ботулизмнинг ривожланишига қулай шароит бўлмайди. Ботулинус споралари, 5-8 соат қайнатгандан кейингина ўлади. Шунинг учун ҳам уйда тайёрланадиган консерваларда ботулизмнинг олдини олиш қийин.

Озиқ-овқат саноатида тайёрланган консервалар эса ишончли, чунки улар юқори босим остида 120 даража ҳароратда тайёрланади. Бундай ҳароратда споралар ўлади. Яхшиси помидор, бодринг, карам ва бошқа сабзавотларни челақда, бочкада, кострюлькада тузлаган маъқул.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚИШЛОҚДА КИЧИК ЗАВОДЛАР

Ўзингда борига нима етсин! Айниқса, 50 нафарга яқин йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлгани қувончли. Гап шундайки, Қизилтепа туманининг Қосим Қобилов номли ширкат хўжалиги ҳудудида кичик ёғ заводи иш бошлади. Молдова технологиясига асосланган ихчам заводда 24 соатда 30 тоннагача чигитни қайта ишлаш мумкин.

— Нафақат, ёғ заводи, ҳадемай, бу ерда мева ва полиз маҳсулотларини жаҳон андазаси даражасида қайта ишлайдиган кичик завод қуришни ҳам мўлжаллаяпмиз, — дейди ёғ заводи етакчиси Тойир Жалолов. — Зеро, замон талаби ҳам шу. Аҳоли зич яшайдиган жойларда шунга ўхшаш завод ва цехлар кўпайса ишсизлик камаяди.

Ёғ заводи қурилишида туманнинг «Зилола» хусусий ишлаб чиқариш ва қурилиш корхонаси раҳбари Рустам Саломов ташаббус кўрсатди. Ҳозир бу ҳудудда ойига 450 тонна ун ишлаб чиқарадиган яна бир кичик заводга ҳам асос солинган.

(Ўз мухбиримиз)

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.2005г. ОАО«Узбекуголь» раскрывает информацию о намерении приобрести 13075 (тринадцать тысяч семьдесят пять) штук простых именных безналичных акций ОАО «Еростигаз», расположенного по адресу: Таш. обл., Ангрен, что составляет 25% от уставного фонда.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2006 йилда Жиззах вилоятида капитал таъмирланадиган мактаблар:

Капитал таъмирлаш — ЛОТ 12:

Лот 12-1 Бахмал тумани, Шойбек қишлоғидаги 250 ўринли 23-сонли мактаб;

Лот 12-2 Жиззах тумани, Ҳ.Олимжон номли АХМдаги 120 ўринли 26-сонли мактаб;

Лот 12-3 Зафаробод тумани, Турғунбоев номли АХМдаги 624 ўринли 4-сонли мактаб;

Лот 12-4 Зафаробод тумани, Синдоров номли АХМдаги 536 ўринли 10-сонли мактаб.

Капитал таъмирлаш — ЛОТ 13:

Лот 13-1 Ғаллаорол тумани, Қарангул қишлоғидаги 210 ўринли 12-сонли мактаб;

Лот 13-2 Ғаллаорол тумани, Маданият хўжалигидаги 160 ўринли 63-сонли мактаб;

Лот 13-3 Ғаллаорол тумани, Қипчоқсув хўжалигидаги 220 ўринли 13-сонли мактаб;

Лот 13-4 Ғаллаорол тумани, Хонимқўрғон хўжалигидаги 464 ўринли 36-сонли мактаб.

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 1.08.2006 йил.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«Фуқаролик жамияти» журнали таҳририяти Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос, журнал таҳририяти аъзоси

Озод ШАРАФИДДИНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Марказий банк Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси жамоаси эмиссия касса амалиёт бўлими бош иқтисодчиси

Йўлдош Эргашевич БОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳ.Сулаймонова номидаги республика суд экспертиза маркази жамоаси марказ ходими Рокия Каримовна Аҳмедовага отаси

Карим АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 854
6460 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 22.30
Topshirish vaqti — 23.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda